


Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши



Мамлакатимиз ҳарбий қудратини ошириш, салоҳиятини юксалтиришда ҳисса қўшаётган барча фидойиларни 14 январ – Ватан ҳимоячилари куни билан самимий қутлайди.
Ҳар бирингизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файз-барака, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, юртимиз тинчлиги йўлидаги меҳнатингизга улкан зафарлар тилайди. Қалбингизни меҳр ва маърифат нури тарк этмасин!



Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Арман армиясида ислоҳот



Арманистон Мудофаа вазирлиги жорий йилда армияда ислоҳот ўтказишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Россиянинг «Новости» агентлиги мамлакат Мудофаа вазири Сейран Оганяннинг маълумотига асосланиб хабар тарқатди.

Ўзгаришлар асосан армия тузилишига тааллуқли. Хусусан, Мудофаа вазирлиги ва Куролли кучлар бош штабининг функциялари қатъий ажратилади, бош штаб бошлиғи вазирга бўйсунди.

Ҳарбийлар орасида уставга зид муносабатларни камайтириш мақсадида курс ўтказиш кўзда тутилган.

2009 йилдан арман армиясининг формаси ҳам ўзгаради.

107 ёшли келин

Шу пайтгача оила курмаган хитойлик 107 ёшли Ван Гуйин деган кампир эрга тегмоқчи.

Ван Гуйиннинг айтишича, у ёшлигида эркеклар хотинларини уриб-сўкиб ҳақоратлаганига кўп гувоҳ бўлган. Шу боис оила қуришни хаёлига ҳам келтирмаган.

Ота-онаси ва опаси вафотидан сўнг ёлғиз қолган кампир жиянлари билан яшай бошлаган. Энг кичиги 60 ёшга кирган жиянлари ҳам қариб, болалари уйли-жойли бўлиб кетишгач, кампир уларга ортиқча юк бўлишни истаманлиги учун шу қарорга келган.

Маҳаллий ҳокимият вакиллари кампирнинг яқинларига қариялар уйдан қувв тутишни маслаҳат беришяпти.



Мисрнинг Ироққа тухфаси

Миср ҳукумати Ироққа мамлакатдан яширинча олиб чиқиб кетилган қадимий бронза ҳайкалчани қайтариб берди. Қадимги буюмлар бўйича Миср олий кенгаши раиси Захи Хаваснинг айтишича, ҳайкалча Нувейба шаҳри портда ўрдунда ишловчи мисрлик ишчиқдан олиб қўйилган. Қимматбаҳо ёдгорликни мамлакатга ноқонуний равишда олиб киришга урингани учун энди у 3-5 йилга қамалиши мумкин.



Захи Хавас раҳбарлик қилаётган ташкилот шу пайтгача Ироққа 5 мингга яқин қимматбаҳо буюмларни қайтариб берган.

ЮНЕСКО маълумотига кўра Ироққа тегишли 7 мингга яқин санъат асари ҳалигача топилмаган.

Фойда келтирувчи бизнес

Итларига совуқдан асраш учун махсус кийим кийдирадиган британияликлар суд ҳужмига кўра жазоланиши мумкин. 1824 йили ташкил этилган Қиролликнинг ҳайвонларни шафқатсиз муомаладан муҳофаза қилиш жамияти вакиллари фикрича, кийим итларнинг соғлиғига салбий таъсир этади. Чунки итлар табиятан аъло даражада ишловчи терморегуляция механизмига эга бўлиб, кийим кийишга муҳтож эмас. Қолаверса, бу ҳайвонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга ҳам зид ҳисобланади.



Таъкидлаш керакики, айнан Буюкбританияда бу масала кўтариб чиқилганининг сабаби бор. Кейинги пайтларда мамлакатда уй ҳайвонлари учун кийим ишлаб чиқариш катта фойда келтирувчи бизнесга айланиб бормоқда.

Либераллар берган эркинлик



«Delfi.lt»нинг хабар беришича, Литванинг баъзи вазирликларида «жинсили жума» тартиби жорий этилди. Бу ҳафтанинг охиригача иш куни ходимлар хизматга эркин услубда кийиниб келишлари мумкинлигини билдиради.

Мазкур ўзгариш Либераллар ҳаракати вакиллари раҳбарлик қиладиган Таълим ва фан вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Адлия вазирлиги ходимларига тааллуқли. Аммо Таълим ва фан вазири Гинтарас Стяпонавичюснинг гапига қараганда, шу куни қандайдир расмий маросимда қатнашиши режалаштирилган ходимлар ишга одадаги кийимда келишлари шарт.

Шу ўринда биринчи бўлиб «жинсили жума» тартиби бундан уч йил аввал Литва Ташқи ишлар вазирлигида жорий этилганини таъкидлаш жоиз.

Буюрмаган гаров пули

Сомали қирғоқларида Саудия Арабистонининг «Сириус стар» кемаси учун гаров пули олганидан сўнг қайиқда қочиб кетаётган чўкиб кетган бешта қароқчиндан икитасининг жасади топилди. «Associated Press» агентлиги 11 январда тарқатган хабарда жасадининг чўнтагида 153 минг доллар бўлганлиги айтилади.

Ҳозирги вақтда жиноятчиларнинг қариндошлари қолган учта жасадини кидиришяпти.

9 январ куни 3 млн. доллар эвазига озод қилинган «Сириус стар» экипажи аъзоларидан ҳеч қайсиси жабранмаган.



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоят вакиллиги



Жонажон днёримизнинг тинчлик-осудалигини муҳофаза қилаётган юрт посбонларини Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этади!
Ўқларга чегараларимиз дахлсизлигини мардона кўрниклашдек шарафли бўлгани баъқаринишда сиҳат-саломатлик, сўғмас шижоат ёр бўлишини тилайди.

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоят вакиллиги

Осойишталигимиз посбонларини 14 январ – Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этади. Чегараларимиз дахлсизлиги йўлида хизмат қилаётган ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, беадад бахту истиқболлар тилаб қолади. Мамлакатимиз сарҳадлари доимо мустаҳкам, осмонимиз мусаффо бўлсин.

